

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 14

Самарканд шаҳри

«27» «октябрь» 2023 йил

Ногиронлар жамияти Самарканд вилоят булими ҳузурдаги “ОТАБОЙ ОТА” уштар корхонаси, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг Устави, асосида иш юритувчи директори О.Исаков, номидан, бир томондан ва СДВУ, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг Устави, асосида иш юритувчи ректор Х.В. Юнусов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Choyshab va g'iloflar (бельё постельное) 1,40 x2,20 метр О1040929	комплект	500	118 000	59 000 000
	Жами:				59 000 000

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **59 000 000 (Эллик туккиз миллион)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. “Сотиб олувчи” мазкур шартноманинг умумий суммасидан **30 %** миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган **70 %** ни товарни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпламда ярқоксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортимент ива нови лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пена тулайди.

5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарнидан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2023 йил «27» октябрь дан 2023 йил «31» декабргача амал қилади.

6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда,
- Форс-Мажор ҳолатларида.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома

доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа молмулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси

тугрисидаги” ги конуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

«Бажарувчи»

Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят
бўлими хузуридаги “ОТАБОЙ ОТА” унитар
корхонаси
(ташкilot номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Самарқанд шаҳри Сартепо маскани 44 уй
27 хонадон

Тел./факс 98 278 03 06
ш/х* 20208000405605935001


СТИРи 310 161 150
Банк: АТБ Қишлоқ қурилиш банк
МФО:01037



(имзо)

К.В. Юсупов

Директор



О.Ж.Исаков
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

Хуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«__» _____ 2023 й

Хуқуқшунос *В.В.Э*

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«__» _____ 2023 й

А. Азизов

У. Нурмухамедов



2023 йил 6 февраль
№ 10

Барча корхона ташкилот ва
муассалар раҳбарларига

ИЛТИМОСНОМА ХАТИ!

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят бўлими раҳбарияти, Сизга шунини маълум қиладики, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят бўлими қошидаги «ОТАВОУ_ОТА» унитар корхонасида меҳнат қилаётган ишчи ходимларнинг эллик фоиздан ортиғини Ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-гадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, давлат буюртмачиларига Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва уларга қарашли ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни харид қилинишида Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят бўлими раҳбарияти, Сиздан жамият тизимидаги «ОТАВОУ_ОТА» унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилинишида амалий ёрдам беришингизни сўрайди.

Аввалдан кўрсатган ёрдамингиз учун Сизга ва ахил жамоангизга мустахкам соғлиқ, ишларингизга қут-барақа тилаб, ОЛЛОХдан мартабангизни зиёда қилишларини сўраб қоламиз.

Самимий ҳурмат билан

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти
Самарқанд вилоят бўлими раиси



Д.Пардаев

O'ZBEKISTON NOGIRONLAR
JAMIYATI
SAMARQAND VILOYAT
BO'LIMI



УЗБЕКСКОЕ ОБЩЕСТВО
ИНВАЛИДОВ
САМАРКАНДСКОЕ
ОБЛАСТНОЕ ОТДЕЛЕНИЕ

UZBEK SOCIETY OF DISABLED PEOPLES SAMARKAND REGIONAL BRANCH

140129, Samarqand shaxri, Universitet xiyoboni ko'chasi, 9 uy. Tel.: (366) 239-25-25
H/r: 20212000200554938001, KOD 00279, STIR 201208714 Samarqand vil. ATB Agrobank, XHTUT 98600

2023 йил февраль
№ 11

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят бўлими Сизга шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Самарқанд вилоят бўлими қошидаги «ОТАВОУ_ОТА» унитар корхонасида меҳнат қилаётган ишчи ходимларнинг эллик фойздан ортиғини Ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти
Самарқанд вилоят бўлими раиси



Д.Пардаев

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"O'ZBEKISTON NOGIRONLAR JAMIYATI SAMARQAND VILOYATI BO'LIMI
HUZURIDAGI "OTABOY OTA" UNITAR KORXONA

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"O'ZBEKISTON NOGIRONLAR JAMIYATI SAMARQAND VILOYATI BO'LIMI
HUZURIDAGI "OTABOY OTA" UK

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

310 161 150

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni
o'zgartirish)

23.01.2023

2065641

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

UNITAR KORXONA

Faoliyat yuritadigan manzil:

**SAMARQAND VILOYATI, SAMARQAND SHAHRI, САЪДИ ШЕРОЗИЙ МФЙ, САТТЕПО
МАВЗЕСИ, 44-УЙ, 27-ХОНАДОН**

Tomonidan berilgan:

SAMARQAND SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

494856

